## Миллат эртаси улғаювчи бешик

Сиз бу каби ёлғонларни тезда унутсангиз-да, у фарзандингиз дилида «Нега менга ёлғон гапирма, деб тайинлайдиган ота-онам ўзлари шундай қилишяпти?» — деган жавобсиз савол уйғонишига олиб келади.

2-бет

## Ўйиндан «ўт» чиқди

Сўнг Рустам гугурт чақиб, ниманидир ирғитгандай бўлди. Шундан кейин ҳеч нарсани эслолмайди. Кўзини очганида, атрофида шифокорлар айланишиб юришарди.

4-бет

## Осмондан тушган ош

Ош тушмагур ҳалимдай юмшоқ, ёғлиққина экан. Бир киришгандан пок-покиза туширгунча ўзимни тиёлмадим. Электр човгумда чой қайнатиб майдалаб ўтириб янги ёпилган нонларни ҳам бир ёқлик қилиб қўйибмиз.

9-бет

## Ҳар бир одамнинг ичида қаҳрамон яшайди

— Оилада мендан бошқа спортчи йўқ. Онам оддий қурувчи. Шундай бўлсада менинг қизиқишимга ҳеч қачон бефарқ бўлмаганлар.

10-бет

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

# Ishonch

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 6 январ,
шанба № 3 (2260)







## «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ»

### Бухорода

Вилоят марказидаги «Бухоро-Палас» меҳмонхонаси кичкинтойлар билан гавжум бўлди. «Президент арчаси» муносабати билан бу ерга Қорбобо ва Қорқиз ташриф буюрди. Ранг-баранг ўйинчоқлар, турли чироқлар билан безатилган арча атрофига ихтисослаштирилган вилоятлараро болалар уйи, 32-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари тўпландилар.

Кичкинтойлар шодиёнасида вилоят ҳокими С.Хусенов Янги йил байрами билан болажонларни муборакбод этиб, уларга мамлакатимиз Президентининг совғаларини топширди.

Тадбирда шўх ва дилрабо куй-қўшиқлар янграды. Вилоят қўғирчоқ театри жамоаси эртак-спектакл намойиш қилди.

### Қашқадарёда

Муборак шаҳрининг маданият ва спорт мажмуасида «Президент арчаси» тадбирлари кўтаринки руҳда ўтди.

Шодиёнада мингдан зиёд кичкинтойларга, шу жумладан 200 нафардан ортиқ кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига совғалар топширилди.

— Юртбошимизнинг 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиши муносабати билан ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашдек хайрли ишларни давом эттирмоқдамиз, — дейди Муборак газни қайта ишлаш заводи касаба уюшма қўмитаси раиси Акрам Ҳамроев. — Айниқса, болаларнинг қишки таътил кунларини сермазмун ва мароқли ўтказишларини таъминлаяпмиз.

Вилоятдаги «Муборакнефтгаз», «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхоналари, Шўртан газ-кимё мажмуаси жамоалари ҳам янги йилнинг дастлабки кунларида Меҳрибонлик уйлари, болалар махсус мактаб-интернатлари, кар-соқовлар мактаблари тарбияланувчиларига қимматбаҳо совғалар, дарсликлар, ўқув жиҳозлар улашдилар.

### Сурхондарёда

Вилоятда «Президент арчаси» байрам тадбири катта шоду хуррамлик билан ўтказилди. Байрам арафасида 1645 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар, ота-онасиз болалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар улашилди. Меҳнат жамоаларида байрам тадбирлари уюштирилиб, болажонлар Қорбобо ва Қорқиз совғаларидан хурсанд бўлишди. Шунингдек, саховатли инсонлар маҳалла гузарларидаги кам таъминланган оилаларга байрам туҳфаларини тарқатишди.

Янги йилни, айниқса, қумқўрғонлик шифокорлар ўзгача қувонч билан кутиб олишди. Туман марказий шифохонасининг туғруқхона мажмуаси, шошилинч тиббий ёрдам ҳамда болалар бўлимлари 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ билан капитал реконструкция қилиниб, байрам арафасида фойдаланишга топширилди. Шу куни марҳум шифокорлар оилаларидан хабар олинди. 24 нафар кам таъминланган ходим ҳамда 400 нафар болажонларга совғалар улашилди.

**Ўз мухбирларимиз**

**«Президент арчаси» байрам тадбирлари республикамизнинг барча вилоятларида зўр шодиёна билан ўтмоқда. Президент совғасини олган болажонларнинг эса қувончи чексиз.**

Шарҳловчи минбари

# Биз қайси йўлдан борамиз?

Янги йилга яхши ниятлар билан қадам қўйдик. Аввало, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин. Оллоҳ насибамизни бутун, меҳр-оқибатимизни зиёда, танлаган йўлимизни нурафшон қилсин. Сўзсиз, бу йил ҳам иқтисодни юксалтириш, халқнинг турмуш даражасини кўтариш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, жамиятни либераллаштириш, миллий ва маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш, мустақил ташқи сиёсат юритиш, давлатлараро ҳамда халқаро муносабатларда интеграция жараёнларини жадаллаштириш йўли изчил давом эттирилади. Бунда халқимиз ўз кучига, онгу тафаккурига, бугунги дунёни англашдаги ўз ақл-идрокига таянади. Буни Ўзбекистон Президенти ўзининг халқимизга йўллаган янги йил табригида шундай ифодалади: «Бугунги ҳаётимизнинг кўзга ташланаётган муҳим аломатлари ва моҳияти ҳақида гапирганда, аввало, юртдошларимизнинг ички дунёси, онгу тафаккури тубдан янгиланиб, ижтимоий ва сиёсий фаоллиги тобора ортиб бораётгани — буларнинг барчаси замонамиз қанчалик ўзгараётганининг энг ёрқин белгиси, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди».

Демак, энди биз қандай фикрлаб, қандай яшаш кераклигини, ўз ҳаётимизни ва дунёни қандай англаб, қайси йўлдан бориш кераклигини ўзимиз яхши биламиз. Ўзгалардан айнан нусха олиш, бировларнинг йўригига йўрғалаш, бошқаларга тақлид қилиш ўтмишимизга, тарихдаги ўрнимизга, аждод-аждодларимиз шаънига, миллий, диний ва маънавий қадриятларимизга бутунлай ёт. Давлатимиз раҳбари биз танлаган йўлнинг мезон-моҳиятини ўзининг Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида аниқ-равшан қилиб ифодалаб берди. Булар:

«Биринчиси — юксак даражада тараққий топган демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиб, ўзимизга қабул қилиш ва жорий этиш, шу асосда ҳаётимизни қуриш.

Иккинчиси — қадимий ва бой тарихимиз, қадриятларимиз, отабоболаримиз азалдан асраб-авайлаб келган ва биз ҳам бугун амал қилаётган муқаддас дину диёнатимиз, урф-одат, удум ва анъаналаримизга риоя этган ҳолда, ҳар қандай ҳолат ва бошимизга тушган синовда ҳам ўзлигимизни йўқотмасдан, биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни унутмасдан яшаш, фарзандларимизни ҳам шу руҳда тарбиялаш ва ҳаётга йўлланма бериш».

(Давоми 2-бетда).

| Марказий банк ахбороти | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1 Австралия доллари 980,89 | 1 БАА дирҳами 337,65 | 1 Хитой юани 158,84 | 1 ЕВРО 1631,55 | 1 Турк лираси 877,61 |
| | 1 Англия фунт стерлинги 2433,87 | 1 АҚШ доллари 1240,06 | 1 Кувайт динори 4289,53 | 1 Россия рубли 47,09 | 1 Япон иени 104,24 |

Шеърият

Зайниддин РИХСИЕВ

# Янги йил... шунчаки ғалдаги сарҳад

## Савоб

Атайлаб қилинган савоб, иш эмас,
Бу бино тиклашдан бошқачароқ сал.
Савоб қилганини ўзи ҳам билмас —
Савоб қилган киши,
Шундайдир азал.

Гўёки қўшнининг шатолоқ отиб —
Арқонини узиб қочган эчкиси
Сенинг полизингга олса ҳам ётиб,
Деганингдек аста:
Йўқдир ҳечқиси...

Кўчадан ўтказиб қўйиш ҳам савоб,
Бировнинг ҳожати чиқар-ку ахир.
Ҳатто вақт қизғанмай берилган жавоб
Савобга тутганнинг наздида арзир.

Савобнинг тури кўп,
Кўриниши кўп,
Ҳар кимнинг феълига лойиқ бу савдо.
Инсонга савобдан яхши нарса йўқ,
Қарғишга учрашдан асрасин, Худо.



## Тилак

Топганинг тўйларга буюрсин, болам,
Сира камлик кўрма,
Чекма асло дард.
Дуо билан, дерлар, покланар одам,
Минг йил яша,
Дуо
Мутлақо бегард.

Сира етолмасин ғуборлар қувиб,
Олган нафасингдан яйраб кетсин жон.
Кайвони дуолар турсинлар ювиб
Чангин кўчаларни пешма-пеш, ҳар он.

Менга бўй бермаган манзиллар бугун
Тўшарлар пойингга қутлуғ поёндоз.
Йўлинг узун бўлсин,
Умринг ҳам узун,
Тўрт фасл чиқсинлар минг карра пешвоз.

Топганинг тўйларга буюрсин, болам...

## Умид бор

**Янги йил...**
**Шунчаки галдаги сарҳад,**
**Ҳеч ким ўтма демас,**
**ўтгил ҳам демас.**
**Бирров тўхтаб ўтиш**
**одатдир фақат,**
**У ёғи...**
**Кўнгилдан кечган бир ҳавас.**

**Умид бор,**
**Бебошвоқ хаёл сингари,**
**Одамнинг ўзидек айрича келбат.**
**Ким вақтни улоқдек олар ўнгариб,**
**Кимда йўқ томоша қилишга ҳам вақт.**

**Ҳаёт кечаверар соҳилма-соҳил,**
**Сув келмас тўпиқдан, кўмиб кетар гоҳ.**
**Не бўлса барига ўзимиз доҳил,**
**Ўзимизга боғлиқ қорамизми, оқ.**

**Янги йил...**
**Шунчаки галдаги сарҳад...**

## Тўртликлар

Мия ишламасдан гар тил ишласа,
Ақл қочиб тез-тез, жаҳл ишласа,
Оқибат бўлғуси соҳиби абгор;
Абгорлик бўлмагай ақл ишласа.

Айб гуручдами ошдан чиқса тош,
Тош қачон бўлибди гуручга йўлдош?
Шундай, гоҳ дарахтга тош отасану
Олма эмас, тошдан ёрилади бош.

Қуш чарчаб парвоздан ерга тушсам дер,
Туя қумдан безиб кўкда учсам дер.
Фақат одамгина сабот кўрсатиб,
Ерни ҳам, кўкни ҳам бирдек қучсам дер.

ҳам болалардек беғубор бўлганимизда эди, бу ҳолатдан ташвишга тушишга ҳожат қолмасди. Бироқ, афсуски, фарзандларимизга ўрнак бўлувчи ижобий жиҳатларимиз у қадар кўп эмас.

Келинг, нигоҳимизни одатий бир ҳолатга қаратайлик. Фарзандингиз эҳтиётсизлик орқали қимматбаҳо чинни идишни синдириб қўйса, унга қандай муносабатда бўласиз?! Шубҳасиз, уни урмаган, қарғамаган тақдирингизда ҳам дилини хира қилувчи аччиқ гапни албатта айтасиз. Лекин шу ҳолатга ўзингиз тушсангиз-чи?! Пича афсуслангач, «Майли, келган бало-қазо шунга урсин!» — дейиш билан чекланасиз.

Бир қарашда унчалик аҳамият касб этмайдигандек кўринувчи бу ҳолат фарзандингизнинг қалбида «Нега мен синдирсам, ота-онам уришадилару, ўзлари синдирсалар унчалик эътибор бермайдилар?» — деган жавобсиз савол уйғонишига сабабчи бўлади. Чиндан ҳам, агар сизга «Ўз эҳтиётсизлигингиз учун шундай муносабат билдирган ҳолда нима учун фарзандингизни айнан шундай эҳтиётсизлиги учун жазолайсиз?!» — дея савол берилса, табиийки, унга жавоб қайтаришга қийналган бўлардингиз!

Ёҳуд уларда меҳнат кўникмасини шакллантириш учун қандай йўл тутишимизга бир назар ташлаб кўрайлик. Сиз бу ҳолатда асосан уни ишлатиб, ўзингизни четга оласиз. Айни шу ҳолат ўқув юртларида ҳам такрорланади. Синф раҳбарлари ўқувчиларнинг тепасида туриб олиб, бамайлихотир ўзаро суҳбатга бериладилар ва ора-чора уларга буйруқ бериб қўядилар. Мана шундай йўл тутишимиздан болалар айёрликни, ўзларидан кичикларга ҳукмронлик қилишни ўрганадилар. Бу ҳолатда эса улар ўзимиздан кичикларга буйруқ беришни хуш кўришимиздан ўрнак оладилар.

Шу ўринда бир воқеани мисол тариқасида келтиришни жоиз топдим. Ёш ўқитувчи йигитга мактабда энг тартибсиз ва тўполончи дея танилган 5-синфлардан бирига раҳбарлик қилиш топширилади. Синф раҳбари ўқувчилар билан ишлашда бошқа ҳамкасблари тутган йўлдан бормайди, яъни кўпинча тергашга, жазолашга, ўта кучли назоратга «маҳкум» этилган синфга анчайин эркинлик беради, улар билан дўстлашишга интилади, талаб этилган ҳолларда ҳатто ўқувчиларини ўқитувчиларнинг адолатсиз хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилади. Ҳашарларда эса ўқувчилари билан баробар ишлайди ҳам. Бунинг натижасида аксарият ҳамкасблари ва мактаб раҳбариятининг таънасига кўмилиб кетади, аммо у гап-сўзларга эътибор бермайди.

Унинг саъй-ҳаракатларининг самараси тез орада ўзини намоён эта бошлайди: интизом сезиларли даражада яхшиланади, дарсга кечикиш, форма киймай, уй вазифасини тайёрламай келиш ҳолатлари кескин камаяди, синфдаги ўзаро низолар барҳам топади, авваллари ҳашарларга бор-йўғи бир нечтагина ўқувчи келган бўлса, эндиликда унда деярли бутун синф иштирок эта бошлайди. Орадан бироз ўтгач, мактабда темир-терсак йиғиш бошланади. Синф раҳбари бу жараёнда ҳам ўқувчиларига руҳан мадад бўлади, мусобақада биринчи ўринни олиш учун синфнинг имкониятлари етарлигига уларни ишонтиради. Воқеанинг энг асосий жиҳати ана шу вақтда юзага келади. Темир-терсак йиғиш учун кетган ўқувчилардан бир гуруҳи устозларининг ёнига келиб, маҳалладаги хонадон эгаларидан бири каттароқ ёшдаги болалар билан келишни тайинлаганини айтишади. Сабаби, темир-терсаклар гаражларнинг томида бўлиб, уй эгаси уларни тушириш пайтида ўқувчиларга шикаст етиб қолиш эҳтимолидан чўчиганди. Синф раҳбари сира иккиланмай, ўқувчилари билан бирга бориб, уларни олиб келишга кўмаклашади. Натижада ушбу синф

4

ўқувчилари темир-терсак йиғишда ҳатто юқори синфларни ҳам ортда қолдириб, мактабда биринчи ўринни эгаллашади.

Тарбияси оғир саналган синфда қисқа муддат ичида бу қадар кескин ижобий ўзгаришларни амалга ошира олиш, бир қарашда, жуда оғир ишдек туюлади. Аслида эса синф раҳбарининг тутган йўли ниҳоятда оддий ва оқилона. Аввало, у фақат танбеҳ ва қаттиқ-қуруқ гаплар эшитавериш натижасида ўқувчиларнинг дилида сўнаёзган шижоат ҳамда ўзига бўлган ишончни тиклай олган. Ҳашарларда бирга ишлаб, ўрнак кўрсатиш орқали уларда меҳнатга бўлган тўғри муносабатни шакллантирган. Ўқувчиларга эркинлик берилиши баъзиларнинг назарида интизомнинг пасайишига олиб келувчи омил саналиши мумкин. Ўқитувчи аслида таъқиқларни бекор қилмаган, балки синф билан дўстлашиш орқали ўқувчилар дилида шундай тушунча уйғотганки, улар устозларини ранжитмаслик учун ўша таъқиқларга ихтиёрий равишда амал қила бошлаганлар. Шунингдек, уларга ибрат бўлувчи бошқа жиҳатларни ҳам намоён этган, яъни дўстликни айнан устозларининг ўзларига бўлган муносабатидан англаган синфдошлар ўзаро низоларга йўл қўймасликка ҳаракат қилганлар...

Айни шу боис ҳам ибратни қудратли кучга қиёслаш хато бўлмайди. Унинг қудрати шундаки, фарзандларини ҳар қадамда назорат қилаётган ота-оналарга ўзларининг ҳам ҳар бир хатти-ҳаракатларини болаларнинг содда ва беғубор қалби синчковлик билан кузатиб бораётганини ҳис этишга ўргатади. Натижада инсонда ўз-ўзини четдан назорат қилиш туйғуси уйғонади. Эзгулик сари чоғланган ҳар бири киши дилида эса ушбу ҳиснинг мавжуд бўлиши ниҳоятда зарурдир.

### БИЗГА ЯХШИ ОНАЛАРНИ БЕРИНГ

Аксарият инсонлар тарбияда қаттиққўлликни лозим топадилар. Аслида у қаттиққўллик билан адолатсизлик ўртасидаги чегара аниқлаб олинган тақдирдагина кутилган самарани беради, акс ҳолда бола кўнглида ота-онасига бўлган ишончсизлик туйғусини уйғотиши, ҳатто уни умуман катталардан бездириб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Бунга саккизинчи синф ўқувчиси билан бўлган тасодифий суҳбат боис шахсан ўзим яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Ўшанда тадбирни ёритиш мақсадида умумтаълим мактабларидан бирига боргандим. Журналистлигимни эшитган бир йигитча тадбир бошланиши арафасида ёнимга келиб, болалар неча ёшдан бошлаб тўла эркинликка эга бўлишларини сўраб қолди. Рост, мени саволдан кўра унинг берилиш оҳанги ўйлантириб қўйди. Чунки йигитчанинг дилида тушкун кайфият ва катталарга бўлган ишончсизлик ҳисси мавжуд эканлиги сўзлаш оҳангидан сезилиб турарди.

Йигитча билан бўлажак суҳбат узоқ давом этиш эҳтимолини назарда тутиб, унга тадбирдан сўнг бафуржа гаплашишни таклиф қилдим. У рози бўлди. Тадбир тугагач, йигитча билан мактаб ҳовлисида узоқ суҳбатлашдик. Унинг саволларига жавоб бериш асносида ўзимни қизиқтирган кўпгина саволларга ҳам жавоб олдим. Натижада унинг шундай ҳолатга тушиш сабабларини аниқлашга муваффақ бўлдим. Бунга асосий сабаб, не ажабки, оиладаги муҳит эди.

Гап шундаки, йигитчанинг оиласида «тенгҳуқуқлилик» тушунчасининг ўзгача талқин этилиши боис она ота билан ҳисоблашишни ҳам ор билади, ота эса ҳукмронликка интилади. Ота ҳам, она ҳам «мутлақ эркинлик»ни исташгани ҳолда йигитчани «ундай қилма, у ерга борма, фалон нарсага тегма» қабилидаги таъқиқлар билан «чирмаб» ташлашган. Ҳеч бир хатти-ҳаракатни эркин амалга оширолмайдиган йигитча учун ота-онасининг ўзини эркин тутиши каттагина «сўроқ белгиси»га айланган. Шунинг учун ҳам ота-онасининг хатти-ҳаракатини кузатиш натижасида унинг кўнглида «Катталар нима истаса, шуни қилиши мумкин экан», — деган тушунча илдиз отган ва ўз тасаввуридаги «тўла эркинлик»ка эга бўлиш истаги пайдо бўлган.

5

Болаларнинг эркинликларини чеклаш шарт эмас, балки эркинликнинг чегарадан чиқиб кетмаслигини назорат қилиш кифоя. Жан Жак Руссо: «Агар сиз болаларнинг шўхликларига йўл қўймасангиз, унда ҳеч қачон донишмандларни дунёга беролмайсиз», — деганда айнан шуни назарда тутгани шубҳасиз. Чунки кўп танбеҳ эшитиб ўсган боланинг ўзига бўлган ишончи йўқолади ва улғайганда ҳатто енгил муаммоларни ҳам мустақил ҳал этишга қодир бўлмай қолади.

Шуни ҳам унутмаслик кераккки, «эркинлик бериш» ортиқча эркалатиб юбориш дегани эмас. Айрим ота-оналар буни фарқлай олмай, ўз фарзандларини жуда талтайтириб юборадилар. Бу унинг дилида худбинликнинг томир отишига олиб келади. Натижада фарзандга эзгуликнинг моҳияти қанчалик уқтирилмасин, у кутилган самарани бермайди. Чунки худбинлик ўз ортидан ҳасадгўйлик, иззатталаблик, такаббурлик каби иллатларни эргаштириб келади. П.Буастнинг «Болага кўп сажда қилманг, улғайганда у кўп қурбон беришларини талаб қилади», — деган ҳикматини ёдга олар эканмиз, унинг нақадар ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Зеро, биргина худбинлик ортидан туғилувчи иллатларнинг ҳар бири учун биттадан қурбонлик беришга тўғри келса, уларнинг саноғига етиб бўлармиди?! Ёш авлод орасида катталарни менсимайдиган, насиҳатларга бепарво қарайдиган, дилида бирор-бир мақсади бўлмаган ёшларнинг оз бўлса-да учраётганига асосий сабаб уларни ортиқча эркалатиб юборишнинг оқибатидан бошқа нарса эмас. Энг ачинарлиси, П.Буаст таъкидлаган қурбонликларнинг энг салмоқлиси жамият эртаси учун катта хавфнинг юзага келиши саналади.

Демак, фарзандларимизнинг миллатимиз фахрини янада юксалтира оладиган инсонлар бўлиб вояга етиши учун, аввало, оқилона тарбия зарур. Жамият эртаси учун ёшларимизнинг билимли бўлиши ва чет тилларини мукаммал билишларигина кифоя қилмайди. Асрлар оша сайқалланиб келган атрофдагиларга ҳурмат билан қараш ҳисси улар онгида ўз инъикосини топмас экан, олинган билим амалга татбиқ этилмай қолаверади. Зеро, билим ҳақиқатни англаш учун йўлчи юлдуз бўлса, унга амал қилиш адолатнинг пойдеворидир. Адолатни адл тутувчи ёшларгина келажакнинг том маънодаги эгаларидир. Келажак эса йиллар ортидан Жан Полнинг «Бизларга яхши оналарни беринг, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз», — деган ҳикматини бежиз тилга олмаётир. Чунки бугун яшаб турган катта ёшли инсонларнинг бари эртанинг маънавий қиёфасидир. Эртамизнинг порлоқ бўлиши учун эса маънавияти бой оналар керак...

### ҚИССАДАН ҲИССА ЁХУД СЎНГСЎЗ

Ҳар бир ривоят замирида рамзий маъно мавжуд бўлади. Биз юқорида қаламга олган ривоятдаги маъно эса фариштага қиёсланувчи гўдакнинг табиатида туғилувчи иллатларга асосан оиладаги муҳит ва нотўғри тарбия сабабчи бўлишига ишорадир. Оилани жамиятнинг бешигига қиёс қилишлари бежиз эмас. Зеро, унда миллатнинг эртаси улғаяди.

Маъруф ТОШПЎЛАТОВ

6

# Хатлар — ҳаёт ойнаси

## Газета ва газетхон

Дийдор

## Уч авлод учрашуви

*Оққўрғон туманида яхши анъана йўлга қўйилган: таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакиллиги ташаббуси билан йил охирида уч авлод учрашуви ўтказилади. «Устоз хотираси абадий» деб номланган тадбир 11-ўрта мактабда бўлиб ўтди. Унда соҳада фидойилик кўрсатаётганлар, мактаб ўқувчилари ва ота-оналар ҳамда кексалик гаштини сураётган мураббийлардан 400 нафари қатнашишди.*

*Уч авлод учрашувининг мароқли ўтиши учун туман маданият уйи санъаткорлари ҳамда 3-ўрта мактабнинг «Камалак» дастаси ёшлари муносиб ҳисса қўшдилар. Корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари вакиллари томонидан нафақадаги муаллимларга қимматбаҳо совғалар улашилди. Қаровчиси йўқ ва кам таъминланганлардан 25 киши ҳомийликка олинди.*

**Қ. РУСТАМОВА,**
**Тошкент вилояти**

Жавоб

## «МУНҒАЙГАН КЛУБЛАР» ҚАДДИНИ ТИКЛАЙДИ

***«Ишонч» 2006 йил, 8 ноябр***

Мирзаобод тумани прокуратураси томонидан «Мунғайган клублар» сарлавҳали танқидий мақола ўрганиб чиқилди. Текширишлар жараёнида «Гулистон» фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасидаги маданият масканида турли тадбирлар ўтказилиб келинаётгани аниқланди. Лекин Й. Охунбобоев, Юнусов номли қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маданият саройларининг эшик ва деразалари номаълум кишилар томонидан ўғирлаб кетилган, «Деҳқонобод» ДФХБга қарашли маскан эса ноқонуний равишда хусусийлаштирилган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан иш қўзғатилиб, аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш хусусида Сирдарё вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Мирзаобод туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

**Д. ХОЛБОЕВ,**
**Мирзаобод туман прокурори,**
**адлия катта маслаҳатчиси**

Ҳақли эътироз

## ЎЙИНДАН «ЎҚ» ЧИҚДИ

Еттинчи синф ўқувчиси Азимжон қишки таътилни қишлоқда — бувисининг уйида мазза қилиб ўтказмоқчи эди. Бироқ орзулари саробга айланди: ўшанда ўртоғи Рустамнинг гапига кирмаса бўларкан. Таътил бошланишидан икки кун аввал у билан роса қувлашмачоқ ўйнашди. Сўнг Рустам гугурт чақиб, ниманидир ирғитгандай бўлди. Шундан кейин ҳеч нарсани эсломайди. Кўзини очганида, атрофида шифокорлар айланишиб юришарди. Айтишларича, дока билан ўраб ташланган қўлининг икки бармоғи мажақлангани учун кесиб ташлашга тўғри келганмиш. Афсус, тана ҳарорати ва оғриқлари-ку йўқолар, аммо бармоқларни энди қайтариб бўладими?

Янги йил кунлари кўча-кўй ва маҳаллаларда, жамоат жойларида айрим болаларнинг «бомбочка»ни қарсиллатиб, кишилар дилинига озор беришини кўпчилик яхши билади. Ана шу сабаб баъзи ҳолларда кўнгилсиз воқеалар келиб чиқаётгани ҳам сир эмас. Азимжоннинг бармоқлари кесилмасдан, таътилни кўнгилдагидек ўтказиши ҳам мумкин эди. Лоқайдлик, бепарволик ва айрим «тадбиркорлар»нинг ноқонуний йўллар билан бойиш мақсадида юртимизга олиб келаётган «ўйинчоқ»лари туфайли шу каби кўнгилсизликлар учраб турибди.

Ачинарлиси, кейинги пайтда ана шундай ўйинчоқларни исталган бозорлар ва бозор атрофларида, мактаблар яқинида ер ости ўтиш, метрога кириш йўлларида ҳамда одамлар гавжум жойларда сотиш одатга айланиб қолди.

Қўйлиқ бозорининг ерости ўтиш йўлагида икки нафар аёл роса ур-сур қилишди:

— Шу йўл билан топганинг ўзингга буюрмасин, — дерди улардан бири. — Сен сотаётган «бомбочка» сабаб ўғлимнинг кўзи ожиз бўлиб қолди.

— Мен сенга мажбурлаб тиқиштираётганим йўқ-ку! — дерди бошқаси. Энг қизиғи, ана шу можарони ўтган ҳам, қайтган ҳам, ҳатто ўша жойдаги айрим масъуллар ҳам бепарво кузатиб туришарди.

**А. ҚОДИРОВ,**
**Тошкент шаҳри**



Ҳордиқ

Саховат

## КЎМАК

**Наманган туман Қ. Солиев номли корпорация тасарруфидаги пахта хомашёсини қайта ишловчи «Ўзбекистон — Франция» қўшма корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми янада кенгаши натижасида 200 киши иш билан таъминланди.**

**Шунингдек, Ровистон, Қиёт, Тошбулоқ, Минишкор каби қишлоқлар ичимлик сув билан таъминланиб, ободонлаштирилди. Бундан ташқари, 14 та кам таъминланган оила қўшма корхона саховати билан моддий аҳволини яхшилаб олди. Ташландиқ ҳолга келиб қолган болалар боғчаси қайта таъмирланди. Ҳозир бу ерда 100 нафар кичкинтойлар тарбияланмоқда.**

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**Наманган вилояти**

Ташаббус

## МАҲАЛЛАДА ГАП КЎП

Урганч шаҳридаги «Гулчилар» маҳалласида фаоллар ҳамда ҳомийлар сафи кўпаймоқда.

Ижтимоий ҳимоя йилининг дастлабки кунларидан кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга моддий кўмаклашишга киришилди. 6 нафар нуроний, 4 нафар ногирон ва 5 та кам даромадли оила тадбиркорлар оталиғига олинди. Шунингдек, йиғин фаоллари ҳудудда жойлашган кичик корхона, маиший хизмат тармоқлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик қилиб, 20 нафар кишини доимий ишли бўлишига кўмаклашдилар.

Тадбиркор ва ишбилармонларнинг саъй-ҳаракати билан ташкил этилган мўъжазгина спорт майдонида 410 нафар ёшлар футбол, каратэ, бокс каби спорт машғулотларида мунтазам иштирок этишмоқда.

Ал-Беруний, И. Бобожонов, Паҳлавон Маҳмуд, «Ўзбекистон овози» каби кўчаларда яшовчилар учун шаҳар ҳокимлиги билан маслаҳатлашилиб, ташландиқ ҳолдаги ётоқхона таъмирланадиган ва шу жойда касаначилик ривожлантириладиган бўлди. Режадаги иш муддатида уддаланса, яна 50 кишининг доимий юмуш билан бандлиги таъминланади.

**Болтабой ЭРНАФАСОВ,**
**Хоразм вилояти**

Репродуктив саломатлик

## «ОНАЛАР МАКТАБИ»

Пахтаобод туманидаги марказий шифохона таркибида «Оналар мактаби»нинг ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида туғиш ёшидаги аёлларда учрайдиган бир неча турдаги касалликларни аниқлаш ва олдини олишга эришилди. Жумладан, 37 минг 885 нафар хотин-қиз кўрикдан ўтказилиб, 1000 нафари шифохона ҳисобидан соғломлаштирилди. Саккиз нафар аёл республикамиздаги сиҳатгоҳларда дам олдирилди.

Айни пайтда оналик ва болаликни муҳофазалаш дастури бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда. «Янги ҳаёт», «Дўстлик», «Шувоқзор» каби маҳаллаларда кўчма лабораториялар ва ташхис марказлари ишлаб турибди.

Самара ёмон эмас. Масалан, аёллар ўртасида юрак касаллиги, камқонлик, нафас олиш тизимидаги айрим хасталиклар барҳам топаётир. «Оналар мактаби»да малакали мутахассислар ва шифокорлар ишлашади; замонавий тиббий мосламалар ва ташхис ускуналари билан таъминланган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда соҳа мутахассислари натижаларни таҳлил этиб, барча туманларда «Оналар мактаби»ни ташкил этишни лозим топдилар.

**Мавлуда АРАББОЕВА,**
**шифохона касаба**
**уюшмаси раиси**

Ижтимоий ҳимоя

## Барака

***Яккабоғ туманининг Алакўйлак фуқаролар йиғини тасарруфида яшовчи кам таъминланган ва ногиронлик туфайли тўшакда михланиб қолган Ориф Нарзиев, Илҳом Ражабовлар кўз ўнгида юз берган воқеадан қувониб кейишди, беминнат саховатдан диллари ёришди. Фуқаролар йиғини раиси бошчилигида «Имомёқуб кўрки», «Алакўйлак олтин шох» масъулияти чекланган жамиятларнинг раҳбарлари уларнинг хонадонига совға-салом ҳамда бир бошдан сигир етаклаб кириб келишди...***

***Алакўйлаклик ҳомийларнинг саховати туфайли ҳудуддаги шундай хонадонлардан 20 тасига қайта файз кирди: Ҳасан Хушвақтов, Хуррам Мирзаев, Аҳмат Мирзаев, Азамат Бобомуродов, Жавли Қаюмов, Шомурод Жуманов, Аббос Низомов, Маҳмаёқуб Хуррамовларга бир бошдан сигир берилди.***

***Шунингдек, боқувчисини йўқотган ҳамда кўп болали 30 оилага фермер хўжаликлари моддий ёрдам кўрсатишди. 3 та мактабнинг илғор ўқитувчилари ва аълочи ўқувчилари эса ҳомийлар томонидан рағбатлантириб борилаяпти.***

**Хайрулла ТЎРАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти**



# Осмондан тушган ош

Бўлган воқеа

**Кутилмаганда нотаниш бир касаллик хуруж қилиб, томоқдан ғиппа олди. Дўхтирларнинг айтишларича, бу дард одамларнинг энг нозик жойларидан оладиган аллергияларнинг бир тури эмиш. Анча оғирлашиб қолганим туфайли марказий шифохонанинг бир хонали палатасига жойлаштиришди.**

Хотиним ҳам қаттиқ шамоллаган, аммо мол-ҳол, қозон-товоқ... Бечора ҳайҳотдай ҳовлида ёлғиз ўзи қолаверди. Атайин қилгандай туни билан лайлакқор уриб берди!... Энди, эшитган тақдирдаям, қишлоқдан бирон одамнинг йўқлаб келиши даргумон. Мана, учинчи кундирки, ёлчиб овқат емадим. Аввалига иштаҳа бўлмади, кейин эса... дўконларга чиқиб ул-бул харид қилай десам, «тез ёрдам» тушмагур шошираверганидан пул олишни ҳам унутган эканман. Ҳар хил укол, дори-дармонлардан сўнг иштаҳа қурмағур чунонам очилиб кетса денг! Шифохонага кимнинг иши тушган бўлса, тамадди аҳволини яхши тушунади...

Шундай қилиб Салтиков-Щедриннинг бир мужик боққан генералларига ўхшаб ўтирибмиз. Яна навбатдаги тун бошланди. Дам олиш хонасидаги телевизордан таниш хонанданинг ширали овози эшитилмоқда. Бир кўнглим, кириб ўзимни овунтириб ўтирсаммикин, деб ўйлайман-да, дарров фикримдан қайтаман: «Оч қоринга қўшиқ на ҳожат?...» Ўринга чалқанча ётиб кўзларимни юмдим: «Зора ухлаб қолсам». Бўлмади. Барибир, дам олиш хонасига кириб бордим. Дарров бир оромкурсини бўшатиб бердилар. Хонандалар навбатма-навбат куйлашяпти, раққосалар хиром айлашяпти. Давра зўр, яхши бир байрам зиёфати ўтказилаётган экан. Энди навбат хилма-хил нози-неъматлар тортишга келди. Ана кабобу сомсалар, кейинидан буғи уфуриб турган ош!... «Кўрмоқ бор-у, емоқ йўқ», деган гапнинг асл маъносига энди тушундим. Тоқатим тугаб палатага қайтдим: «Кўзимни юмиб ётаверсам ахир ухлаб қоларман».

Эшикни очиб кириб ҳайрон бўлдим: чиқарда чироқни ўчирган эдим, ёниб турибди. Стол устида эса ихчамгина бир тугун, ёнида иккита ёпган нон! «Ёпирай, тушимми ё ўнгимми?!» Дарров тугунни ечиб қарадим: пахтагулли косада иссиққина ош, устида салмоқли гўшт бўлаги! «Буни ким олиб келдийкин, нега эгаси йўқ?!» Ҳар эҳтимолга кўра ўрта йўлакларни, кутиш жойларини айланиб кузатиб чиқдим: таниш одам кўринмайди. «Ҳа, топдим — ўзимча хулоса ясадим. — Хотиним қизимникига қўнғироқ қилиб айтган. Қизимнинг вақти зиқ бўлса, куёв машинасида олиб келганда, хонада йўқлигимни кўриб ташлаб кетаверган. Шунақа у: камгап, тортинчоқ. Қорин сурнай чалиб турганда ош муаллифини қидириб ўтиришнинг ўзи бемаънилик. Ол, косани бу ёққа, Асад Асил!»

Ош тушмагур ҳалимдай юмшоқ, ёғлиқкина экан. Бир киришгандан пок-покиза туширгунча ўзимни тиёлмадим. Электр човгумда чой қайнатиб майдалаб ўтириб янги ёпилган нонларни ҳам бирёғлик қилиб қўйибмиз. Қорин тўйди, очлик даф бўлди, энди қизимга қўнғироқ қилай, бунақа бемаҳалда овора бўлиб юришмасин.

— Гулноз, қор қалин, яна қоронғи бўлса. Ҳусанга айт, бемаҳалда машина ҳайдамасин. Менда ҳамма нарса ошиб-тошиб ётибди, касалхонанинг овқатлариям чаккимас, айни бизбоп экан...

— Ада, нималар деяпсиз, қаердан телефон қиляпсиз, тинчликми ўзи?!

— Ия, ошни сизлар олиб келмадингларми? Мен ўйлабман, ойинг хабарлагандир деб...

— Қанақа ош? Симлар узилиб қишлоқнинг телефони ишламай ётганди. Бугун улашибди. Нима, сиз касалхонага тушиб қолдингизми, ҳозироқ етиб бораман! Касалхона овқатларини жудаям яхши биламан, ўзингиз тузукмисиз?!

Ҳай-ҳай, шошма, қизим, негаям телефон қилдим-а!...

Хуллас, қизимни аранг кўндирдим, «эртага азонда албатта, етиб бориши»га келишдик. Буёқдан кўнглим хотиржам бўлгач, ўйга толдим: «Бу тугунни қайси меҳрибон ташлаб кетдийкин? Нега кутиб турмайди, буёғи қизиқ-ку! Э, ким бўлсаям идишга келар, муҳими, қорин қайғусидан қутулдим». Мазза қилиб ухлабман, туману булутлар тарқаб, ҳаво ҳам очилиб кетибди. Қорақоя тоғлари дераза оша баралла кўринар, қордан оппоқ пўстин кийган қоялар ярақлайди, зиғирчаям ғубор йўқ. Кайфиятим чоғ, бизнинг дард ҳам туман-булутлар билан бирга изсиз ғойиб бўлибди. Енгилгина бадантарбия қилган бўлиб ювинишга тутундим. Шифохонанинг чаққоной қизлари икки бурда нонушта ташлаб кетдилар. Чойни дамлаб, пиёлани энди оғзимга олиб борган эдим, қаршимдаги катта палатадан аёл кишининг зардали овози эшитила бошлади: «Анқайиб ўтирмай, уёқ-буёққа қараб юрсангиз бўлмайдими?! Ўзингиз сингари лаллайган ўғлингиз бериб юборган ошимни олдинги жойингизга ташлаб кетаверибди. Сизни, ўзи, буёққа нега кўчиришди?

— Ўчир овозингни, нодон, — аёлнинг оғзига урди қўшни хонадаги норғул йигит. — Ҳа, энди, шу одамга буюрганакан-да. Ёши улуғ, дардиям анча оғир эди, шу сабаб мени катта палатага кўчиришди. Қўявер, ҳамма савоби сенга бўлақолсин.

— Савобидан ўргилдим! Кеча ўзингиз очдан-оч ётибсиз-да? Жилла қурса идишларимни олиб беринг, обкетай.

— Э, қўйсанг-чи, шу замонда одам оч қолადими...

Мен ётган хона эшиги секингина чертилди. Ўзимни ҳеч нарса билмаганга, эшитмаганга солиб, «кираве񁁁ринг», дедим, кўзларимни юмганча ётавердим.

— Кечирасиз, амаки, кеча ўғлимиз бир идиш қўйганакан, — норғил йигит ўнғайсизлана-ўнғайсизлана воқеани тушунтирди.

— Қарздор бўб қолибмиз-ку, ука! Осмондан тушган ош экан, совиб қолмасин деб дарҳол еб қўя қолувдим, рози бўласиз-да!

— Э, нималар деяпсиз, амаки! Ош бўлсин, мингдан-минг розимиз!

Ростданам осмондан тушгандек мўъжиза бўлибди, ўзиям!

Шифохонадаям, уйга чиққанимиздан кейин ҳам норғул йигит билан учрашиб қолганимизда «осмондан тушган ош» ҳақида эслашиб кулишиб юрдик.

***Шифохонадан бугун кечгача, узоғи билан эртага эрталаб чиқишим кераклигини айтиб қолишди. Юкларим анча, қор қалин. Қишлоққа қўнғироқ қилай десам, телефонлар ҳануз ишламай ётган эмиш, узилган симларни улаш учун телефончиларнинг қўллари тегмабди. Ўғлимнинг «Нива»си бору, бош қашишга қўли тегмайди. Барибир бу гал безовта қилишга тўғри келади.***

Сўраб-суриштирсам, шифохонанинг иккинчи қаватидаги «Тезқабуллов» бўлими мудири хонасида «саккиз» рақами орқали Тошкентга телефон қилиш мумкин экан. Лекин, севинчим узоққа чўзилмади. Аксига юриб, бўлим мудири Овулбек қаёққадир чиқиб кетибди. Врачлар хонасида қадимдан кўнгил яқин танишларимиздан бўлмиш Убайдуллохон ўтирган эканлар. Самимий сўрашдик, мақсадимни айтган эдим, «барибир Овулбекни кутасиз». Менимча «саккиз» ишламаяпти-ю, «сотовой»си бор», деди. Бўлим мудирини кутиб, уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирдик.

— Йўталяпсиз, ҳалиям тоза тузалмабсиз, шекилли? — синчковлик билан сўради Убайдуллохон.

— Ҳа, сал-пал бор, биринчи қаватга тушиб инголяция олай десам, тунов куни йўлиқиб қолувди, Тўхтамуроднинг авзойи бошқачароқ, қўл учини бериб ўтиб кетди, — дедим кўнглимдагини яширмай. — Шуни кўргач сўрагани иймандим, муолажа олиш учун бўлим мудирининг рухсати керакдир?

— Тўхтамурод билан ораларингизда бирон гап ўтибдими? — ўсмоқчилади Убайдуллохон.

— Биласиз-ку, ёзувчи халқи паришонхотир бўлади, шўрликнинг турмуш ўртоғи вафот этганакан, эшитувдим. Бу эру хотинлар менга кўп яхшиликлар қилишган. У-бу ишларга айланишиб юриб ёдимдан кўтарилиб кетибди. Кейин кўнгил сўраш учун боролмадим. Ҳануз Тўхтамуродни кўрсам ўзимни



## Гапингиз бўлса, Убайдуллохонга айтинг...

ноқулай сезаман...

— Оббо, ҳар нарсани ўзингизга яқин олаверадиган одатингиз бор экан-да! — юпатган бўлди Убайдуллохон. — Тўхтамуродни яхши билмас экансиз, бағрикенглик, кечиримлиликда у йигит ҳаммамиздан баланд-ку! Сиз эса анча йил олдинги воқеани ҳануз эсдан чиқармабсиз, Тўхтамуроднинг кўнглида зиғирча гина йўқлигига ишончим комил...

Шу орада Овулбек қайтиб келиб хонасига кириб кетди. Мен Убайдуллохон билан хайрлашиб, бўлим мудири ортидан зинғилладим. Ростданам «саккиз» ишламаётган экан. Овулбек қўл телефони орқали ўғлим билан дарров боғлади. Ишим битиб, кўнглим хотиржам тортгач, палатамга чиқдим-да, бошлаб қўйган «қоралама»ларимни давом эттиришга тутиндим. Бирор соат чамаси вақт ўтгач эшик чертилди-да, секин қия очилди. Қарасам, қаршимда Тўхтамурод жилмайиб турибди. Самимий сўрашдик, ўтиришга таклиф этдим.

— Раҳмат, Асад ака, ижодингизга Худо барака берсин, бирор муаммо бўлса тортинмай айтаверинг, — деди Тўхтамурод янаям ёқимлироқ жилмайиб. — Сиз билан бир умрлик қадрдонлармиз! Биласиз-ку, қишлоғингизга куёвман, куёвни ахир Пайғамбарлар ҳам сийлаган экан!...

— Жуда тўғри айтдингиз, Тўхтамуроджон, меҳр-оқибатимиз, самимийлигимиз умрбоқий бўлсин, — жавоб қайтарган бўлардим-у, юзим қулоқларимгача «ловуллаб» борарди. — Зарур бўлса албатта айтаман, ўзингизга учрашаман...

Тўхтамурод кетди. Мен ҳамон ўзимга келолмас эдим: «Оббо, роса ҳам қовун туширибман-ку. Бирор кимсанинг ўзига айтолмайдиган зарурат гапи бўлса секингина Убайдуллохоннинг қулоғига шивирласа кифоя экан-да...».

**Асад АСИЛ,**
**ёзувчи**

Спортимиз юлдузлари

# Ҳар бир одамнинг ички оламида қаҳрамон яшайди

***Меҳнати самарасини кўриш нақадар бахт. Юксаклик машаққатларини енгиб ўтишнинг ўзи бўладими. Айниқса, спортчилар буни жуда яхши англашади. Шоҳсупага чиқаётганда давлат мадҳияси янграб, байроқнинг кўтарилиши, мухлисларнинг ҳайқириқлари. Бир олам қувонч, ҳаяжондан фақатгина хурсандчилик кўз ёшлари тўкишга куч топа оласан, холос. Шундай лаззатни тотиб кўрганлардан бири Гўзал Хуббиевадир. У Қатар пойтахти Доҳада ўтказилган XV Осиё ўйинларида енгил атлетика бўйича ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб олтин медал билан юртимизга қайтди.***

Чемпионни муваффақияти билан табриклаш ҳамда севинчига шерик бўлиш мақсадида суҳбатлашиш учун уйига сим қоқдик. Ниятимизни эшитгач:

— Вақтингиз бўлса эртага машғулотимизга келинг, бафуржа гаплашамиз, — деди.

Пойтахтимиздаги Олимпия заҳиралари коллежининг енгил атлетика зали. Спортчилар машқ билан машғул. Улар орасида қаҳрамонимиз ҳам айлана бўйлаб югурмоқда. Гўзал Хуббиева машғулотини тамомлаб олдимга келди.

***— Гўзал опа, ҳаяжон ҳали тарқаб улгурмагандир.***

— Албатта, бундай дамларнинг ҳаяжони узоқ вақт унутилмайди. Лекин у сизга янада масъулият юклайди. Юқорига интилишда, янги-янги имкониятларни қўлга киритишда сизга куч-қувват бағишлаб туради. Ҳар гал машғулотни бошлаётганимда Доҳада юртимиз байроғи кўтарилиб, мадҳия янграшидаги ҳолат кўз олдимга келади. Шижоатим икки баробар ортади, мақсадларим қатъийлашади.

***— Бу сизнинг аренадаги илк ғалабангизми?***

— 1998 йилда Японияда бўлган Осиё чемпионатида қатнашганман. Ўша йилнинг қиш фаслида эса Банкокда ўтказилган Осиё ўйинларида биринчи марта иштирок этдим. Жамоамиз иккинчи ўринни эгаллаганди. Ўшанда ўзимнинг индувидуал ғалабамни қўлга киритишни мақсад қилгандим. Вақт ўтиб XV Осиё ўйинларида илк маротаба мақсадимга эришдим.

***— Умуман олганда бу спорт турига қизиқиш қандай бошланган, оилангизнинг ҳам таъсири бўлгандир.***

— Оилада мендан бошқа спортчи йўқ. Онам оддий қурувчи. Шундай бўлса-да менинг қизиқишимга ҳеч қачон бефарқ бўлмаганлар. Болаликда ўртоқларим билан рақс, баскетбол, гимнастика тўгаракларига қатнаб юрардик. Бир куни мактабимизга енгил атлетика мураббийи келиб мени машғулот залига таклиф қилди. Бордим. Биринчи кунданоқ менга бу спорт тури ёқди. Қизлардан ортда қолсамда, жиддийроқ шуғуллана бошладим. 1988 йил эди. Ўшанда спорт мусобақаларига биринчи қадамимни қўйгандим.

***— Ғалабани қўлга киритишингизга сабаб бўлган омиллар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.***

— Биринчи омил — Мустақилликнинг биз спортчиларга берган имконияти деб ҳисоблайман. Собиқ иттифоқ даврида жаҳон аренасига чиқиш учун марказда ҳам юқори натижани қайд этиш керак бўлган. Ҳозирда эса тўғридан-тўғри, ҳеч қандай тўсиқларсиз мусобақаларда қатнаша оласиз. Иккинчи омил бу — Енгил атлетика Федерациясининг бизга яратиб берган шарт-шароитлари. Қатар ва Ўзбекистоннинг иқлими тўғри келмагани учун биз енгил атлетикачилар Осиё ўйинларидан бир ой олдин Малайзияда ўз машғулотларимизни ўтказдик. Бу борада Федерациянинг хизматлари катта бўлди. Шу фурсатдан фойдаланиб Федерация раҳбари, собиқ жаҳон чемпиони Абдуллаев Андрей Ҳакимовичга чуқур миннатдорчилигимни билдираман. Бу киши Федерация олтин медалини қўлга киритишимда жуда катта, ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берди. Қолгани тинимсиз машқ натижасида юзага келди.

***— Устозларингиз тўғрисида ҳам...***

— Ҳозирда мураббийим Кувийковская Елена Евгенина. 4 йилдан бери биргамиз. Кўп нарсаларни ўргатди. Ғоят миннатдорман. Биринчи устозим М.Михайлович эди. Болалар мураббийи бўлганлиги боис ўзгартиришга тўғри келган. Жуда ҳам ажойиб инсон эди. Хуллас, ҳаммаларидан миннатдорман.



***— Фарзандингиз ҳам чемпион бўлишни орзу қилса керак.***

— Ўғлим энди 10 ёшга тўлди, тинмай у ёқдан бу ёққа югуради. «Ойи, мен чемпион бўламан» дейди. Аввал бунчалик қаттиқ киришмаганди. Менинг ғалабам тўғрисида мактабда ҳам, маҳаллада ҳам гапиришаётгани унга ғурур бағишлаган. Ҳатто мен билан бирга машғулотларга ҳам кела бошлади. Ўйлайманки, ўғлимнинг орзулари ҳам амалга ошади.

***— Сизнингча нима кўпроқ муҳим: туғма қобилиятми ёки меҳнат?***

— Албатта, биринчи ўринда меҳнат туради. Туғма қобилият бўлган билан уни юзага чиқара олмасангиз сизга қандай аҳамияти бор. Одам кўп нарсага қодир. Ҳар бир инсоннинг ички оламида қаҳрамон яшайди. Ким бўлишидан қатъий назар спортчи бўладими ёки журналистми, ичидаги ўша қаҳрамонни тўғри тарбиялаб уни юзага чиқарса соҳасининг чўққисига кўтарилади. Бунинг учун ўз устида кўпроқ ишлаб, ўзини-ўзи енгиши керак бўлади.

***— Ёш спортчиларга, аниқроғи енгил атлетикачиларга нималар дея оласиз?***

— Фақат сабр-тоқат ва меҳнатсевар бўлишларини тилайман. Ҳозир муваффақиятга эришишга имкониятлар кенг. Юқорида айтганимдай, ўз устида кўпроқ ишлашсин.

***— Янги йилдаги режаларингиз.***

— Хабарингиз бўлса, 2008 йилда Хитойнинг Пекин шаҳрида Жаҳон чемпионати бўлади. Мақсадим — унда қатнашиб юртимга олтин медал билан қайтиш. Олдинда ҳали қанча машаққатлар. Худо хоҳласа уларнинг барисини енгиб, фақат олға бораман, олға...

***— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Шубҳасиз, сиз Пекинда ватанимиз байроғи ҳилпирашига ўз ҳиссангизни қўшасиз. Биз бунга ишонамиз.***

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**
**«Ишонч»нинг жамоатчи мухбири**

---

Алпомишлар юрти бу

# Рустам полвоннинг довруғи

***Ўзбек хонадонида полвонроқ бола туғилса, яхши умидлар билан «Рустам» дея исм қўядилар. Зеро, афсоналарда нақл этилган Рустами Достон енгилмас паҳлавон сифатида халқ қаҳрамонига айланган. Шу сингари Тўрақўрғонда Умаровлар хонадонида ўғил бола дунёга келганида яхши умидлар билан исмини Рустам, деб аташди. Қолаверса, Рустамжоннинг бобоси ҳам бир маҳаллар тўй ва йиғинларда бел олишиб ном чиқарганлиги учун ана шу анъанани давом эттиради, дея ният қилишди.***

Тўрақўрғон азалдан курашчилар маскани сифатида довруғ таратган. Бу ерда қадимдан елкаси ер искамаган паҳлавонлар етишиб чиққан. Чунончи, Тўйчи полвон Сиддиқов номини юртимизда шу соҳа билан қизиққанлар яхши билишади. Унинг Тошкентда ўтказилган сайлларда, Марказий Осиё миқёсидаги полвонлар беллашувларида эришган ютуқларини, «енгилмас» дея ном чиқарган қозоғистонлик, қирғизистонлик ва тожикистонлик полвонларни қай тарзда йиқитганлигини бугунги кунда ёши 60-70 дан ошган отахонлар ҳали-ҳали фахр билан гапириб юришади. Қувончлиси шундаки, туманда ҳамон Тўйчи полвон Сиддиқов анъанаси давом этиб келмоқда. Бугунги кунда унинг номида махсус кураш мактаби фаолият кўрсатаётганлиги бунинг яна бир исботидир. Ана шу кураш мактаби қатнашчиларидан бири Рустам Умаров ўтган йилда Қозон шаҳрида ушбу спорт тури бўйича ўтказилган жаҳон биринчилигида ўзи билан майдонга тушган барча рақибларининг елкасини ерга теккизиб, шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилганлиги ҳам бунга мисол бўла олади.

Рустамжон болалигиданоқ фарғонача белбоғли кураш билан шуғуллана бошлади. Еттинчи синфда ўқиётганида Фарғона шаҳрида спортнинг шу тури бўйича ўсмирлар ўртасида мусобақа ўтказилди. Унга вилоятдан уч ўқувчи иштирок этди. Тасодифни қарангки, шеригининг тоби қочиб қолса бўладими! Ўрнига кимни қўйишади? Сабаби, буни ҳар ким ҳар хил тушуниши мумкин.

— Унинг ўрнига ҳам ўзим чиқаман, — деди Рустамжон.

— Ахир, сенинг ўз рақибинг бор, — ҳайрон бўлди уларни мусобақага бошлаб борган вакил.

— У билан ҳам ўзим беллашаман.

Омадни кўрингки, Рустам ўз рақибини боплаб кўтариб ургач, олқишлар остида ўртани тарк этди. Сал фурсат ўтгач, тоби қочган ҳамюрти рақибини ҳам елкасини ерга теккизиб, гулдирос қарсакларга сазовор бўлди. Буни баъзилар пайқаб-пайқашмади.

Мен ёш курашчини бундан беш йилча муқаддам Ҳосил байрами муносабати билан ўтказилган сайл вақтида уюштирилган курашда кўрганман. Ўшанда Рустам Умаров қўшни Тожикистондан келган гавдали полвон билан майдонга тушганди. Кўпчиликдан:

— Меҳмон полвон Рустамжондан каттароқ, тенгдошини қўйиш керак. Бола эзилиб қолмасин! — деган эътирозлар эшитилган.

Чамаси, бу гаплар Р.Умаровнинг қулоғига ҳам етиб борган. Аммо у эътиборсизгина қўл силтади ва ҳеч иккиланмасдан, рақибининг белбоғини тутди. Шунда мен ё эътиборсиз қолдим ёки ёш полвонимиз ўзига хос шундай усул ишлатдики, бу ёш боланинг қўлидан нима ҳам келарди, деган фикр бошидан ўтган полвон ғафлатда қолди. Фақат иккисидан бирининг оёғи осмонга шотидек кўтарилганлигини кўриб қолдим. Кўнглимдан «Рустам ёшлик қилиб қолди-я», деган хавотирланиш ўтди-ю, шу заҳоти «баракалла, Рустам» деган ҳайқириқни ва гулдирос қарсакни эшитдим. Астойдил тикилганимда Рустам Умаров шеригини белбоғидан ушлаб ўрнидан турғизаётган ва кийимидаги чанг-тупроқни қоқаётган эди.

Белбоғли кураш бўйича бултур ноябр ойи бошларида Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида бўлган V жаҳон чемпионатида ҳамюрт полвонимиз қўлга киритган муваффақиятни ҳар қанча тилга олса арзийди. Дунёнинг турли қитъаларида жойлашган қирқ битта мамлакатдан келган полвонлар иштирокидаги беллашувда Рустам Умаров серқуёш мамлакатимиз нуфузини муваффақият билан ҳимоя қилди. У саралаш учрашувларини кўтаринки руҳда ўтказди. Энг олдин туркманистонлик спортчи билан гиламга тушиб соф ғалабага эришди. Шундан сўнг украиналик Макалис Николенко, покистонлик Али Анекаларни ҳам таслим қилди. Исроиллик полвон М.Бейлини енгиш осон кечмади. Лекин анча вақт беллашувдан сўнг уни ҳам, пайт пойлаб кутилмаганда ердан узиб олди-да, икки бор айлантириб йиқитди. Бу — соф ғалаба эди. Финал беллашувда эса россиялик полвон Рамил Габдураҳмановнинг курагини ерга теккизди.

Учрашув ниҳоясида полвонимиз шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, мамлакатимизнинг байроғи кўтарилди, Рустам Умаров кўксига эса чемпионатнинг «Олтин медал»и тақилди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## САМОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

Тюмен вилоятида «Орион» русумли 4 кишилик спорт самолёти қулаган. У тўппа-тўғри автобозор устига тушган. Маълумотларга қараганда, воқеа жойида икки учувчи ҳалок бўлган. Бироқ, бозордагиларнинг ҳеч бири жароҳат олмаган. Вилоят транспорт прокуратураси томонидан текширув олиб борилмоқ-

# Етти иқлим нафаси




## ҲАРБИЙЛАРГА ҲУЖУМ

Владикавказ ҳарбий қисмларининг бирига номаълум кишилар томонидан ҳужум уюштирилган. Воқеа сабабчилари қисм постига «Волга» машинасида келганлар ва ҳарбий қисмни эгаллаб олишга ҳаракат қилишган. Ҳужумчилардан бири тўппончасини чиқариб унга қарши чиққан офицерни яралайди. Ҳарбийлар машина ҳайдовчисини қўлга олишга муваффақ бўлишган. Бошқаси қочиб қолган.



## ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ РОБОТИ

Японияликлар йилнинг яхши роботини аниқлашди. Танлов иқтисод, савдо-саноат ва ишлаб чиқариш вазирлиги томонидан ташкил этилган бўлиб, 2006 йил май ойида юзлаб роботлар орасидан 10 тасигина 4 номинация бўйича танлов қатнашчиси бўлишга муяссар бўлганди.

Энг яхши ёрдамчи робот унвонига «Менинг қошиғим» (Myspoon) номли мустақил равишда овқатлана олмайдиган одамларга ёрдам берувчи машина эга бўлди.

## ПРЕЗИДЕНТЛАР МАКТАБИ

Россия президенти мактаб ёшидаги фуқароларга президент мактабини очди. Бу мактабдаги ахборотлар келажакда мамлакатга раҳбарлик қиладиганларга асқотади. Мактабга кирувчилар тест синовлари топширади. Биринчи навбатда у ёшини кўрсатиши ва ўнта турли хил мураккаб саволга жавоб бериши керак. Шундан сўнггина дарсларга қатнашиши мумкин. Тестда Россия Федерациясининг давлат тузилиши принциплари, президентнинг мажбуриятлари ва бошқа масалалар ўрин олган.

## КЎКРАК САРАТОНИДАН ҲИМОЯ

Маълумки, кўплаб аёллар кўкрак саратони билан азоб чекадилар. Буюк Британия олимлари ҳисоблашларича, уй юмушлари билан доимий шуғулланадиган аёллар бу дардга камроқ чалинар экан. Британия саратон касаллиги институти ходимлари Европанинг 9 та давлатида 1000 га яқин аёлларда тажриба ўтказдилар. Кузатувлар 6,5 йил давом этган, 3 минг 423 нафар аёлда кўкрак саратони аниқланган. Меҳнат нафақат саратон, балки бошқа онкологик касалликлар билан оғришни ҳам олдини олар экан.

Текширувчиларнинг фикрига кўра, доимо уй шароитида ишлаш онкологик касалликлар профилактикасининг зарурий шартидир.





## ЧИРОҚСИЗ ҚОЛИШДИ

*Молдавия ва Украинада қаттиқ шамол ва қор ёққанлиги туфайли трансформаторларга зарар етди ва электрдан маҳрум бўлдилар. Украинада 144 та аҳоли пункти, Молдавияда 383 та қишлоқ электр токисиз ва 54 та аҳоли пункти телефон алоқасисиз қолди.*

*Қутқарув хизмати электр таъминотини тиклаш ва таъмирлашга киришди.*

НИГОҲ



*Лондон. Темза дарёси устидаги кўприк.*

## КОСМИК ДАВЛАТ

**2008 йилда Жанубий Корея космосга ўзининг биринчи ракетасини чиқаради. Шундай қилиб у 9-космик давлатга айланади. Бу унча катта бўлмаган спутник илмий ва метериологик тадқиқотлар ўтказади. Ракетанинг биринчи босқич намунаси Россияники бўлиб, иккинчи босқичини Жанубий Корея аэрокосмик тадқиқот институти ишлаб чиққан.**






## КУРОРТДА АВТОҲАЛОКАТ

**Ҳиндистоннинг курорт шаҳри Пурида микроавтобус ҳалокатга учраган. Маҳаллий полиция хабарига кўра, сирпанчиқ йўлда ҳайдовчи бошқарувни йўқотган ва чуқурликка қулаган. Воқеа натижасида бир киши ҳалок бўлган, тўққиз нафари жароҳатланган.**



## ЭНГ ИССИҚ ЙИЛ

Буюк Британия метеохизмати 2007 йилни энг иссиқ йил бўлиши ҳақида хабар тарқатган. Бу йилда ҳарорат ўртача 14 градусдан 0,54 градус юқори бўлиши кутилмоқда. Бу 1998 йилда ўрнатилган рекорддан 0,002 градус юқори дегани.

Бунга атмосферада чиқинди газларнинг кўпайиши ва Жанубий Америка қирғоқларидан иссиқ оқимнинг келишини сабаб қилиб кўрсатишмоқда.

Қашқадарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши маъмурий хўжалик ишлари бўйича етакчи мутахассиси М.Зоҳидовага турмуш ўртоғи
**Бахтиёр ҲАМРОЕВ**нинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг раиси Шодмон Кубаевга отаси
**РАББИМ ота**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши касаба уюшма фахрийси
**КОНДРИКОВА КЛАВДИЯ ИВАНОВНА**нинг
вафот этгани муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

